


## Япония ҳукумати билан ҳужжатлар имзоланди



2018 йилнинг 30 май куни Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитасида – Япония ҳукуматининг "Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт дастури" доирасидаги грантлар асосида, "Ўзбекистондаги йўл қурилиши ва таъмири учун Япония техникаларни беғараз тақдим этиш" бўйича ҳукуматлараро ҳужжатга имзо чекиш маросими бўлиб ўтди.



Мазкур лойиха асосида Япониянинг "Sakai Heavy Industries Ltd" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, йўл қурилиши ва таъмирида ишлатиладиган техникалар етказиб бериш кўзда тутилмоқда. Йўл қурилиш техникалари асосан "Обод қишлоқ" Давлат дастури доирасида – Сирдарё, Жиззах, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпогистон Республикасида худудларидаги қишлоқ ва овуллар ички йўлларини таъмирлашда ишлатиши кўзда тутилмоқда.



Лойиҳага кўра Япония хукуматининг "Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт дастури" доирасидаги грантлар асосида, "Ўзбекистондаги йўл қурилиши ва таъмири учун 800 миллион япон иенаси (7,3 млн. АҚШ доллари) қийматидаги Япония техникаларни беғараз тақдим этилади.

Жумладан, SAKAI PM550-5 русумидаги ресайклерлар, SAKAI SV520FT русумидаги бир барабанли тебранма зичлагичлар, SAKAI TS200 русумидаги узайтирилган резина филдиракли зичлагичлар, SAKAI SW652-1K русумидаги тебранма зичлагичлар ҳамда 1 млн. АҚШ доллари қийматидаги эҳтиёт қисмлар (ходимларни ўқитиш билан бирга) етказиб берилади.



Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан – Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси А.Абдувалиев, Япония томонидан – Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор элчиси Нобуаки Ито имзо чекишиди.

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

матбуот хизмати